

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк
ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг
2018 йил “___” _____-сон буйруғига

ИЛОВА

**Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва
масъул ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид норматив ҳужжатлар бўйича
билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 948-сон “Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан кейин матнда «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси деб юритилади) тўғрисидаги Низомга мувофиқ темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг лавозимга янги тайинланаётган, шунингдек поездлар ҳаракат хавфсизлиги бузилишларига йўл қўйган раҳбарлари ва масъул ходимларининг норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасининг темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракат составидан ҳамда темир йўл транспорти техник воситаларидан фойдаланиш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга оид норматив ҳужжатлари бўйича билимлари аттестациясини (бундан кейин матнда аттестация деб аталади), шу жумладан даврий аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари темир йўл транспорти билан бевосита боғлиқ бўлган корхоналарда ўз фаолиятини олиб бораётган мансабдор шахс ва ходимларга нисбатан татбиқ этилади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ходимларининг аттестацияси лавозим мажбуриятлари ва бажарадиган ишлари хусусияти билан аниқланадиган малака тавсифларидаги талаблар доирасида амалга оширилади.

2. Аттестация норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасининг темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга, ҳаракат составидан ҳамда темир йўл транспорти техник воситаларидан фойдаланиш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга оид норматив ҳужжатлари бўйича билимларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

3. Корхонанинг поездлар ҳаракати, манёврли иш ва темир йўл ташишлари, ҳаракат составидан ҳамда темир йўл транспорти техник воситаларидан фойдаланиш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахслари, ҳамда темир йўл транспорти соҳасида фаолиятини амалга оширувчи ходимлари мазкур Низомга мувофиқ аттестациядан ўтишлари шарт.

4. Ишга янги қабул қилинган (ўтказилган) мансабдор шахслар ва ходимларнинг мустақил ишлашига фақат ишларни хавфсиз юритиш бўйича инструктажлардан, тегишли малака амалиётларидан (мустақил ишлашга қўйилишидан олдин ёки бир ишдан бошқа ишга ўтказилганида) ва аттестациядан ўтганларидан кейин йўл қўйилиши мумкин.

2-боб. Аттестациялардан ўтказиш бўйича комиссиялар

5. Ходимларнинг аттестацияларини ўтказиш учун “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ҳузурида Марказий комиссия ва унинг ҳудудий филиаллари ҳузурида комиссиялар ташкил этилади.

Комиссиялар доимий фаолият кўрсатувчи ҳисобланади. Ҳар бир комиссия аъзоларининг сони камида бешта кишини ташкил этиши лозим.

6. “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ҳузуридаги Марказий комиссия ва унинг ҳудудий филиаллари ҳузуридаги комиссияларнинг таркиби ҳамда аттестацияга жалб қилинадиган ходимларнинг касблари ва лавозимлари рўйхати мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимлар аттестациясини ўтказишда “Ўздавтемирйўлназорат” инспекциясининг комиссиялари ишида иштирок этиши учун вазирлик, идора, муассаса, корхона ва ташкилот буйруғи билан масъул ходим тайинланади.

7. Марказий комиссия “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти корхоналари, бошқармалари, марказларининг, фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи вазирлик, идора, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари аттестациясини ўтказиши.

“Ўздавтемирйўлназорат” инспекциясининг ҳудудий филиаллари ҳузуридаги комиссиялар “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти қуйи корхоналари ва фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи вазирлик, идора,

муассаса, корхона ва ташкилотларнинг саноат корхоналари масъул ходимлари ва раҳбарлари аттестациясини ўтказди.

8. Ходимларни аттестациядан ўтказиш жадвали “Ўздавтемирўлناзорат” инспекциясининг Марказий комиссия томонидан тузилади ва тасдиқланади.

3-боб. Аттестацияларни ўтказиш тартиби

9. Аттестациянинг дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари турлари мавжуд бўлиб, мутахассислар томонидан инструктажлар дастурлари, қоидалар ва йўриқномалар асосида ишлаб чиқилган саволномалар асосида ўтказилади.

10. Ходимнинг дастлабки аттестацияси ходим лавозимга тайинлаган кунидан кейин бир ой муддат ичида ўтказилади.

11. Ходимларнинг даврий аттестацияси жадвал асосида ҳар уч йилда камида бир марта ўтказилади.

12. Навбатдан ташқари аттестация қуйидаги ҳолларда ўтказилади:
ишлаб чиқариш жараёни ўзгарганда;
янги турдаги қурилмалар ва механизмлар жорий қилинганда;
янги қоида ва йўриқномалар амалга киритилганда;
қоида ва йўриқномалар бузилганда;
қоида ва йўриқномалар бўйича билимлар етарли эмаслиги аниқланган ҳолларда корхона раҳбарлари ёки “Ўздавтемирўлناзорат” инспекцияси комиссияларининг талабномаси ёки фармойиши асосида.

13. Навбатдан ташқари аттестация жадвал бўйича ўтказиладиган даврий аттестация муддатларини бекор қилмайди, янги қоида ва йўриқномаларнинг амалга киритилиши билан боғлиқ бўлган вазиятлар бундан мустасно.

14. Аттестация ўтказиладиган вақт, сана ва жойи тўғрисида ходим камида 15 кун олдин огоҳлантирилиши лозим.

15. Ҳар бир ходим аттестацияси якка (индивидуал) ҳолда оғзаки ёки ёзма шаклда ўтказилади.

Даврий аттестацияларда компьютер дастурларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

16. Аттестациядан ўтаётган ходимларнинг билимлари “қониқарли” ёки “қониқарсиз” шкаласи бўйича баҳоланади.

Аттестация натижалари бўйича якуний баҳо комиссия аъзоларининг кўпчилиги қарори билан белгиланади.

17. Аттестацияланувчининг билимлари баҳоси унинг мустақил ишлашга қўйилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

18. Аттестация натижалари мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги комиссия баённомаси билан расмийлаштирилади.

Аттестация натижалари шунингдек мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги ходимлар аттестациясини қайд қилиш журнаliga киритилади.

19. Ходимлар аттестациясини қайд қилиш журнали ва баённоманинг сақланиш муддати 5 йилни ташкил қилади.

20. Аттестация натижалари бўйича ходимга тегишли равишда расмийлаштирилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Гувоҳноманинг шакли мазкур Низомнинг 4-илоvasида келтирилган.

21. Узрли сабабсиз аттестацияда қатнашмаган ходимлар аттестациядан ўтмаган ҳисобланади. Бундай ходимларга нисбатан иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар кўрилиши мумкин.

22. Аттестациядан ўта олмаган ходимлар такрорий аттестацияга фақат комиссия томонидан белгиланадиган, бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил қилувчи вақт давомида мос тайёргарлик кўрганларидан кейин қўйиладилар.

23. Аттестация натижалари салбий бўлганида, комиссия уч иш куни ичида иш берувчига комиссия раиси томонидан имзоланган билдиришни мазкур Низомнинг 5-илоvasига мувофиқ шаклда жўнатадилар.

24. Ходим иккиламчи аттестациядан ўта олмаган вазиятларда, ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи раҳбар томонидан меҳнат қонунчилигига мувофиқ равишда ҳал қилинади.

4-боб. Яқуний қондалар

25. Мазкур Низом Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан келишилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
Тошкент ш.,
2018 йил ____

А. Хаитов
М.Ў.

**Темирйўлчилар ва транспорт
қурувчилари касаба уюшмасининг
Марказий Кенгаши раиси**
Тошкент ш.,
2018 йил ____

К. Сабилов
М.Ў.

**«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик
жамияти бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари**

А. Шукуров

Тошкент ш.,
2018 йил _____

М.Ў.

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид норматив ҳужжатлар бўйича билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга

1-ИЛОВА

Қоида ва йўриқномалар бўйича аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг касблари ва лавозимлари
РЎЙХАТИ ВА КОМИССИЯ ТАРКИБИ

	Комиссия номи ва таркиби	Қоида ва йўриқномалар бўйича аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг касблари ва лавозимлари	Аттестация ўтказилиш даврийлиги
1.	<p>“Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ҳузуридаги Марказий комиссия:</p> <p>а) инспекция бошлиғи (раис);</p> <p>б) инспекция бошлиғининг ўринбосари (раис ўринбосари);</p> <p>в) аъзолари:</p> <p>темир йўл ташишлари хавфсизлигини назорат қилиш, норматив-технологик, лицензиялашни ташкил этиш, таҳлил, экспертиза ва назорат, кўтарма иншоотлари, буғ қозонлари ва идишлардан хавф-хатарсиз фойдаланишни назорат қилиш бўлимлари бошлиқлари.</p>	<p>I. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти</p> <p>Ташишларни ташкил этиш, йўл хўжалиги, локомотивлардан фойдаланиш, техник ва технологик назорат, вагон хўжалиги, логистика, юк ва тижорат ишлари, стратегик ривожлантириш, йўловчи поездлари юқори тезликдаги ҳаракатини ташкил этиш ва фойдаланиш, темир йўл техникаси, машина ва механизмлари, саноат фаолиятини ташкил этиш ва назорат, сигнализация ва алоқа, электр таъминоти, харбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаларининг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, бош муҳандислари.</p> <p>Ягона диспетчерлик марказининг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, бош муҳандислари</p> <p>Капитал қурилиш бўйича дирекциянинг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, бош муҳандислари, Лойиҳаларни Амалга Ошириш Гуруҳларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>“Минтақавий темир йўл узеллари” унитар корхоналари бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, бош муҳандислари; “Тошкент метрополитени” УК бошлиқ ўринбосарлари, бош муҳандиси, бош ревизори, ҳаракат таркиби хизматининг бошлиғи; “Ўзбеккўмир” УК бош директори, бош менежер-бош муҳандиси, бош</p>	<p>Дастлабки ва даврий, навбатдан ташқари аттестациялар</p>

		<p>директор ўринбосарлари, тоғ-кон ишлари бўйича бош менежер-бош муҳандис ўринбосари, ишлаб чиқариш бўйича бош менежер-бош муҳандис ўринбосари.</p> <p>«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ, «Тошкент механика заводи» АЖ, «Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи»АЖ, «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ, «Қунов-механика заводи» УК, «Ўзтемирйўлмаштаъмир»УК, «Андижон механика заводи»ШК, «Йўлрефтранс» АЖ, «Ўзвагонтаъмир»АЖ, бошқаруви бошлиғи (бош директори), бош муҳандиси, ишлаб чиқариш бўйича директори, истиқболли ривожлантириш бўйича директори, маркетинг, савдо ва сервис хизматлари бўйича директори, ишлаб чиқариш ва техник ривожлантириш бўйича директори, метрополитен вагонларини таъмирлашни амалга ошириш бўйича директор ўринбосари, сифат ва стандартларга риоя этиш бўйича бош менежери.</p> <p>Бошқармалар, марказларнинг катта инспекторлари, йўл тижорат инспекторлари.</p> <p>Юқори тоифали бекатлар бошлиқлари.</p> <p>II. Вазирликлар, идоралар корхоналари, шунингдек муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар</p> <p>Темир йўл транспорти учун масъул раҳбарлар, саноат корхоналари ва хўжалиқларининг темир йўл транспорти раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари транспорт бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича ревизорлар.</p>	
2.	<p>“Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ҳудудий филиаллари ҳузуридаги комиссиялар:</p> <p>а) инспекция ҳудудий филиали бошлиғи (раис);</p> <p>б) аъзолар: ҳудудий филиалнинг</p>	<p>I. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг куйи ташкилотлари:</p> <p>локомотивлар, вагонлар деполари, йўл, электр таъминот, сигнализация ва алоқа дистанциялари бошлиқлари, бош муҳасндислари, бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>Юқори тоифали бекатларнинг бош муҳандислари ва бошлиқ ўринбосарлари</p>	<p>Дастлабки ва даврий, навбатдан ташқари аттестациялар</p>

	<p>ҳаракат, локомотив, вагон, йўл, сигнализация ва алоқа, энергиятаъминот хўжаликлари бўйича инспекторлари.</p>	<p>«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ филиаллари ва вокзалларининг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>I, II, III, IV, V тоифали бекатлар ва разъездларнинг бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>«Гранит» АЖ, «1-сонли энергомонтаж поезда»УК, «406-махсус қурилиш-монтаж поезда» УК, «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» УК, «Трест Кўприкқурилиш» УК бошлиқлари, бош муҳандислари ва бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>Йўл машина бекати, махсус-йўл машина бекати, тажриба-йўл машина бекати, ихтисослаштирилган йўл механизациялашган бекат, муҳофазаланган ўрмонзорлар дистанцияларининг бошлиқлари, бош муҳандислари, бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>Рельспайвандлаш, йўл машиналарини таъмирлаш корхоналарининг бошлиқлари, бош муҳандислари, бошлиқ ўринбосарлари.</p> <p>Минтақавий темир йўл узеллари: юк ва тижорат ишлари бўйича, ташишлар ва бекатлар ишлари, ҳаракат таркиби, техникавий, йўл хўжалиги, электртаъминот, сигнализация ва алоқа бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, минтақавий темир йўл узелларининг техник ва технологик назорат бошқармасининг хўжаликлар бўйича инспекторлари, ташишлар бўлимининг ҳаракат хавфсизлиги бўйича инспектори, юк ва тижорат ишларининг технологиясига риоя этилишини назорат қилиш бўйича инспектор, вагон паркининг бутлиги бўйича инспектор.</p> <p>II. Вазирлик, идора, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг саноат корхоналари:</p> <p>Бекатлар, локомотив ва вагон деполарининг, йўл дистанциялари, йўл бўлимлари, тортувчи контакт тармоғи электртаъминоти, сигнализация ва алоқа бўлимлари бош муҳандис ва бошлиқ ўринбосарлари, поезд ва бекати диспетчерлари.</p> <p>Локомотивлар, вагонларга техник хизмат</p>	
--	---	--	--

Изоҳ: Журнал рақамланган, шнурланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим. Формат 297 x 210.

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид норматив ҳужжатлар бўйича билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга
3-ИЛОВА

Ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи вазирлик, идора, муассаса, корхона ва ташкилотлар ходимларининг техникавий фойдаланиш қоидалари ва йўриқномалар бўйича аттестация комиссиясининг йиғилиш

БАЁННОМАСИ № _____

20__ й. « ____ » _____

(Қоидалар, йўриқномалар номи)

_____ бўйича аттестация

комиссияси раиси _____

(Ф.И.Ш., лавозими)

Комиссия аъзолари _____

(Ф.И.Ш., лавозими)

(Ф.И.Ш., лавозими)

(Ф.И.Ш., лавозими)

Аттестация натижалари

№	Ф.И.Ш.	Лавозими, касби, мазкур касбдаги иш стажи	Аттестация тури (дастлабки, даврий, навбатдан ташқари)	Билет рақами	Комиссия баҳоси ва хулосаси
---	--------	---	--	--------------	-----------------------------

Комиссия раиси _____

(Ф.И.Ш., имзо)

Комиссия аъзолари _____

(Ф.И.Ш., имзо)

(Ф.И.Ш., имзо)

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид норматив ҳужжатлар бўйича билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга
4-ИЛОВА

шакл ГИ-9

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР
ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
“ЎЗДАВТЕМИРЙЎЛНАЗОРАТ”**

**Ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи вазирлик, идора,
муассаса, корхона ва ташкилотлар ходимларининг техникавий фойдаланиш қоидалари
ва йўриқномалар бўйича аттестациядан ўтганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

<p>Гувоҳнома № _____</p> <p>Берилди _____ (Ф.И.Ш)</p> <p>_____ (ташкilot номи, лавозими)</p> <p>М.Ў.</p> <p>_____ (комиссия раисининг имзоси)</p>	<p>У ҳақиқатдан ҳам техникавий фойдаланиш қоидалари, поездлар ҳаракати ва манёврли иш, сигнализация бўйича йўриқномалар ва темир йўл ташишлари хавфсизлигини регламентловчи бошқа норматив ҳужжатлар бўйича аттестациядан ўтди.</p> <p>Берилиш санаси 20__ йил «__» _____</p>
---	---

Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид норматив ҳужжатлар бўйича билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга
5-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР
ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
“ЎЗДАВТЕМИРЙЎЛНАЗОРAT”**

ХАБАРНОМА

_____ (ташкilot номи, лавозими)

_____ га

Сизга шуни маълум қиламизки, _____

_____ (Ф.И.Ш; лавозими)

техникавий фойдаланиш қоидалари, поездлар ҳаракати ва манёврли иш, сигнализация бўйича йўриқномалар ва темир йўл ташишлари хавфсизлигини регламентловчи бошқа норматив ҳужжатлар бўйича **аттестациядан** (такроран) ўтмади.

Сиздан:

аттестациядан такроран ўтиши;

ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги масалаларини меҳнат қонунчилигига асосан кўриб чиқишингизни сўраймиз.

_____ (комиссия раисининг Ф.И.Ш., имзоси)

20__ йил «__» _____